



doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a38](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a38)

## САМАРАДОРЛИК АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Гулматов Жамолиддин Рахматуллаевич -**  
Давлат солиқ құмитаси ҳузуридаги  
Фискал институт мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада аудит текширувининг замонавий турларидан бири – самараадорлик аудитига оид илмий қарашлар очиб берилген ҳамда иқтисодчиларнинг фикрлари умумлаштирилган. Мамлакатимизда аудитни такомиллаштириш борасидаги мәжбүрий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Илғор хориж тажрибаси ўрганилган ва амалий мағлумотлар көлтирилган.

**Калит сўзлар:** аудит, аудиторлик фаолияти, самараадорлик аудити, тежкамкорлик, самараадорлик, натижадорлик.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ АУДИТА ЭФФЕКТИВНОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО РАЗВИТИЯ

**Гулматов Джамолиддин Рахматуллаевич -**  
Независимый научный сотрудник Финансового  
института при Государственном налоговом комитете

**Аннотация.** В статье раскрываются научные взгляды на аудит эффективности, который является одним из современных видов аудита, и обобщаются мнения экономистов. Проанализированы нормативные документы по совершенствованию аудита в нашей стране. Изучен передовой зарубежный опыт и представлена практическая информация.

**Ключевые слова:** аудит, аудиторская деятельность, аудит эффективности, экономия, эффективность, результативность.

## THEORETICAL ISSUES OF PERFORMANCE AUDIT AND PROSPECTS FOR ITS DEVELOPMENT

**Gulmatov Jamoliddin Rakhmatullaevich -**  
Independent researcher of the Fiscal  
Institute under the State Tax Committee

**Abstract.** The article reveals the scientific views on efficiency audit, which is one of the modern types of audit, and summarizes the opinions of economists. Regulatory documents on improving audit in our country have been analyzed. Advanced foreign experience is studied and practical information is presented.

**Key words:** audit, audit activity, efficiency audit, savings, efficiency, effectiveness.

**Кириш.** Мамлакатимизда давлат сектори фаолиятини самарали ташкил этиш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш аудитга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Бу мавжуд назарий, ташкилий-хукуқий асослар ва амалий муаммолар бўйича аудиторлик фаолиятининг сифатини ошириш ҳамда республикамида ташкил ва ички аудит текширувларини замонавий даражада ташкил қилиш ва уни ривожлантириш борасида чуқур тадқиқотлар ўтказишни тақозо этмоқда. Бир томондан аудиторлик фаолиятининг халқаро тажрибаларига тизимли ёндашиш, уларни чуқур таҳлил қилиш, бошқа томондан жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилган ўзбек моделининг хусусиятлари тўғрисидаги билимларимиздан фойдаланган ҳолда молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчилар учун назоратнинг маҳсус ташкилий шакли –

аудитни истиқболли ривожлантириш зарурлиги аён бўлмоқда.

Мамлакатимизда 2021 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуни қабул қилинди ва кучга кирди. Республикаизда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сонли қарори қабул қилинди. Унда аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро стандартлар асосида ташкил этиш вазифаси кўйилди. Қарорда мамлакатимизда мавжуд “аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хори-

жий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисбботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўнкимасининг шаклланишини таъминламаяпти” мазмундаги камчилик борлиги кўрсатиб ўтилган. Қарорда давлат секторида эса Халқаро аудит ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти томонидан ўтказиладиган ташки аудитдан ташқари ички аудитни ташкил этиш ва уни ўтказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти негизида Давлат молиявий назорати инспекциясини ташкил этиш белгиланган. Ушбу қарорда давлат аудити, шу жумладан, ички аудит хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласи кўйилган. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари ходимлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар ички аудитнинг миллий стандартлари ва ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси асосида амалга оширилиши кўзда тутилган.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300-сонли фармонида 2022 йил 1 январдан бошлаб Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назорат шакллари ва турларига қўшимча қўйидагилар амалга жорий этилади:

*Молиявий аудит.* Унда бухгалтерия (бюджет) ҳисоби юритилиши, молиявий ҳисбботларнинг ҳаққонийлиги, молиявий ресурслардан мақсадли ва қонуний фойдаланилганлиги ҳамда даромадларнинг тўлиқлиги, шунингдек, молиявий операцияларнинг қонунийлигини баҳолаш назарда тутилади.

*Мувофиқлик аудити.* Бу консолидациялашган ва жалб қилинган бюджет маблағларидан фойдаланишда, давлат харидларини амалга оширишда, шунингдек, даромадларнинг тўлиқлигини таъминлаш ва бизнес жараёнларида НХХ талабларига риоя қилинганлиги ва уларнинг давлат дастурларига мувофиқлигини текшириш ва баҳолашдан иборат.

*Самарадорлик аудити.* У назорат обьектида харажатлар, субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини, ажратилган маблағлардан фойдала-

нишнинг тежамкорлигини, белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини, консолидациялашган бюджет ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижадорлигини, шунингдек, давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Давлат секторида аудитнинг моҳияти ва вазифалари тўғрисида иқтисодчиларнинг фикрларини келтириб ўтамиш.

Т.М.Рогуленко, С.В.Пономаревой, А.В.Бодяколарнинг (2019) фикрича, давлат секторида аудит барча манфаатдор томонларга иқтисодий ҳодисалар тўғрисида мустақил ва обьектив маълумотларни тақдим этишдан иборат бўлган фаолиятдир. Бу иқтисодий ривожланиш жараёнларига самарали таъсир кўрсатишга қодир бўлган иқтисодиётни ривожлантиришнинг универсал воситасидир.

Н.А.Казакованинг (2019) эътироф этишича, давлат секторида аудитнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: бюджет маблағлари тақсимланишининг обьективлигини ўрганиш; бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижавийлигини текшириш; бюджет маблағларидан мақсадли ва тўғри фойдаланишни аудиторлик текширувидан ўтказиш; маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш; тегишли органларга текшириш натижаси бўйича ахборот ва ҳисботлар тайёрлаб бериш.

Б.Мирзоевнинг (2022) ёзишича, давлат аудити ҳақида биринчи маълумотлар, тўғрироғи, унинг прототиплари Франциянинг Ҳисоблар судининг 1318 йилдаги, Буюк Британиянинг Миллий аудит идорасининг 1314 йилдаги ҳамда Нидерландия Қироллигининг Ҳисоблар судининг 1386 йилдаги архивларида учрайди.

Жаҳон амалиётида кейинги даврда давлат секторида аудитнинг янги тури сифатида самарадорлик аудити тушунчаси кўпроқ ишлатилмоқда. Самарадорлик аудити бюджет маблағларининг самарасиз сарфланиш ҳолатларини аниқлаш усулидан мустақил молиявий назорат йўналишига айланиб бормоқда.

Самарадорлик аудитига “Самарадорлик аудити стандарти” – Стандарт ISSAI 3000 да қўйидагича таъриф берилган: “Самарадорлик аудити мустақил, хукумат ташаббусларини, тизимлар, жараёнлар, дастурлар, фаолиятлар ёки ташкилотлар фаолиятини тежамкорлик, самарадорлик ва/ёки натижадорлик тамойилларига мувофиқ холис ва ишончли текширишdir”[15].

Б.Мирзоевнинг (2022) такидлашича, самарадорлик аудити молиявий назоратнинг тўлақонли йўналиши сифатида Фарбий Евropa ва

Шимолий Америка мамлакатларида олиб бориляётган давлат бошқаруви ислоҳотлари даврида, асосан, давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш ва самарали бошқарув тизимиши ислоҳ этиш жараёнида шакллана бошлади. Самарадорлик аудити пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири давлатларнинг натижадорликка йўналтирилган бюджет тамойилларини кўллашга ўтиши бўлган, деган фикр мавжуд.

Америка Қўшма Штатларининг (2017) давлат молиявий назорати тизимида самарадорлик аудити элементлари XX аср бошларида ёқ меъёрий-хукукий ҳужжатларида мавжуд эди. АҚШ Ҳисоб палатаси АҚШнинг 1921 йилдаги “Давлат бюджети ва ҳисоботи” тўғрисидаги қонуни билан ташкил этилган. Ушбу қонуннинг 312-моддасига мувофиқ, АҚШ Ҳисоб палатаси давлат маблағларини жамғариш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларни текшириш ваколатидан ташқари давлат харжатларининг тежамкорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни шакллантириш ваколатига ҳам эга эди.

Самарадорлик аудити ўзининг маҳсус предмети, методологияси, мақсад ва вазифалари га эга бўлган молиявий назоратнинг мустақил тури сифатида шаклланди ва Олий аудиторлик органлари фаолиятида кенг тарқалди, бутушунча 1977 йилда Олий назорат органлари халқаро ташкилотининг IX Конгрессида қабул қилинган Лима декларациясида ўз аксини топди. Лима декларациясининг (1977) аудитиа 4-моддаси 2-бандида халқаро миқёсда биринчи марта самарадорлик аудити концепцияси молиявий аудитнинг ажralмас қисми бўлган молиявий назорат тури сифатида мустаҳкамланган. Самарадорлик аудитининг мақсади давлат маблағлари ва ресурсларининг тежамкорлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини аниклашдан иборат.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқот давомида мақолада индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, қиёслаш ва гурухлаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усувлардан фойдаланилган. Тадқиқотимизда қиёсий таҳлил, монографик умумлаштириш орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммонинг ечимига олиб борувчи асосий йўналишлар белгиланган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини яна-да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300 сонли фармонида Ҳисоб палатасига қўйидагиларни амалга ошириш топширилди: 2022 йил 1 январга қадар Олий аудит органларининг халқаро стандартлари (ИССАИ)

асосида ташқи аудит тадбирларини режалаштириш ва ўтказишни ташкил этиш, улар доирасида молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитларини ўтказиш, шунингдек, давлат молиявий назоратида хавф-таҳлилни амалга ошириш стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш[4]. Шу мақсадда 2021 йил 23 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ИНТОСАИ) таркибига тўлақонли аъзо сифатида кўшилган эди. “Аъзоликка қабул қилинган даврдан ҳозирги кунга қадар Ҳисоб палатаси хорижий олий аудит органлари иштирокида 20 га яқин халқаро он-лайн анжуман, ўкув семинар ва тренингларда иштирок этди. Ушбу тадбирлардан олинган билим ва малакалар Ўзбекистоннинг давлат молиявий назорат тизимини нуфузли халқаро стандартларга мослаштириш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси (2022) Осиё Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (АСОСАИ) Бошқарув кенгашининг 58-учрашувида ушбу ташкилот таркибига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.

Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ИНТОСАИ) томонидан қабул қилинган стандартта асосан самарадорлик аудити ўз ичига қуйидаги принципларни олади:

- тежамкорлик аудити – маъмурий фаолияти дастурининг асосли маъмурий тамойиллар ва амалиётларга мувофиқлигини таъминлаш;

- самарадорлиги аудити – инсон, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш, шу жумладан, ахборот тизимлари, самарадорликни ўлчаш ва мониторинг қилиш кўрсаткичлари тизимлари, шунингдек, аниқланган номувофиқликлар ва камчиликларни бартараф этиш тартиб-қоидаларини текшириш;

- натижадорлик аудити – текширилаётган дастур томонидан белгиланган мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан фаолият, шунингдек, таъсир аудити, яъни маълум бир дастур ёки сиёсатнинг ҳақиқий таъсирини режалаштирилган билан солишириш[15] (1-расм).

Халқаро амалиётда самарадорлик аудитини ташкил этиш ва ўтказишида “Самарадорлик аудити стандарти” – Стандарт ISSAI 3000 га асосланади. Мамлакатлар “Самарадорлик аудити стандарти” – Стандарт ISSAI 3000 га асосан ўзларининг стандартларини ишлаб чиқади ва шу меъёрий ҳужжатга асосланган ҳолда аудитни ўтказади. Масалан, Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йил февраль ойида СГА 104 – “Аудит эффективности” стандарти қабул қилинди ва амалиётда фойдаланилмоқда.

Юқоридаги аудит стандартларига асосан  
самарадорлик аудитининг босқичлари аниқ-

**Самарадорлик аудитининг  
принциплари**

Тежамкорлик

Самарадорлик

Натижадорлик

**1-расм. Самарадорлик аудитининг асосий принциплари**

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Самарадорлик аудитини биринчи тайёр-гарлик босқичида аудиторлар томонидан аудитининг предмети ва объектини дастлабки ўрганишдан ўтказади. Шунингдек, иш ҳажми аниқланади ва унинг дастури тайёрланади ва тасдиқланади.

Иккинчи асосий босқичда объектда аудит ўтказилади, маълумотлар ўрганилади, йигила-

ди ва таҳлил қилинади. Текшириш жараёнида аниқланган аудиторлик далиллари тегишли хужжатлар билан мустаҳкамланади.

Якуний учинчى босқичда самарадорлик аудити натижалари умумлаштирилади ва расмийлаштирилади. Ўтказилган аудит бўйича хulosса ва ҳисобот тайёрланади ҳамда тақдим этилади.

**1-жадвал**

**Самарадорлик аудитини ўтказиш жараёнларининг босқичлари**

Босқичлар	Бажариладиган жараёнлар
I. Тайёргарлик босқичи	Аудитининг предмети ва объектини дастлабки ўрганиш Самарадорлик аудити дастурини тайёрлаш ва тасдиқлаш
II. Асосий босқич	Объектда аудит ўтказиш, маълумотларни йигиш ва таҳлил қилиш. Аудиторлик далилларини тегишли хужжатлар билан мустаҳкамлаш
III. Якуний босқич	Самарадорлик аудити натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш Хulosса ва ҳисобот тайёрлаш


**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Самарадорлик аудитини ўтказиш натижалари қандай бўляпти? Ўрганишлар натижасида қўйидагилар аниқланди: Россия Федерацияси Ҳисоб палатасининг 2020 йилда амалга оширилган текширишларнинг 3698 тасида қонунбузарликлар аниқланган ва суммаси 355,5 млрд. рублни ташкил этган. Бюджетга 16,4 млрд. рубль маблағнинг қайтарилиши таъминланган. 60 та текширишларда 20,6 млрд. рубль миқдорида бюджет маблағларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари аниқланган (2021).

Россия Федерацияси Ҳисоб палатасининг 2021 йилда амалга оширилган текширишлар бўйича ҳисоботида қўйидаги рақамлар келтирилган: ички давлат аудитини ўтказиш натижасида 4247 та қонунбузарлик аниқланиб, уларнинг суммаси 1541,2 млрд. рублни ташкил этган. Шундан 571,3 млрд. рубли ёки 27 %и бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ҳисобо-

тидаги хатоликлардан келиб чиқсан. Текширишлар натижасида аниқланган камчиликларнинг 344 млрд. рубли ёки 20 %и бюджет маблағлари ва бошқа ресурслардан самарасиз фойдаланганлиқдан келиб чиқсан (2-расм).

Республикамизда эса қўйидагича: 2021 йилда юклатилган вазифалар доирасида Ҳисоб палатаси (2022) томонидан 60 та назорат тадбiri ва тематик таҳлилий ўрганишлар амалга оширилган. Ҳисоб палатаси томонидан бюджет тизими бюджетлари маблағларининг сарфланishi юзасидан 2021 йилда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 338 млрд. сўмлик ноқонуний харажатлар ва ўзлаштиришлар аниқланниб, бюджетта қайтаришга қаратилган. Шунингдек, 2,7 трлн. сўмдан ортиқ харажатлар мақбулаштирилиб, устувор вазифаларни молиялаштириш учун қайта тақсимлаш имкониятлари яратилди.



- Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботдаги хатоликлар
- Бюджет маблағларидан самарадорлик аудити
- Бошқа текширишлар

**2-расм. 2021 йилда Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси текширувларида  
самарадорлик аудити улуши**

*Манба:* муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганимизда, аудит текширувининг замонавий турларидан бири самарадорлик аудити ҳисобланади ва истиқболда бу аудит тури амалиётда кенг қўлланиниши куттилмоқда.

Самарадорлик аудити харажатлар, субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги, ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг тежамкорлиги, белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажа-

рилиши, консолидациялашган бюджет ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижадорлиги, шунингдек, давлат ва худудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Самарадорлик аудити ўз ичига тежамкорлик, самарадорлик, натижадорлик принципларини олади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-677-сонли қонуни, 2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3946-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-128-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги "Давлат молиявий назорати тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6300-сонли фармони.
5. Рогуленко Т.М. Аудит внешнеэкономической деятельности. Учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. / Под общ. ред. Т.М.Рогуленко, С.В.Пономаревой, А.В.Бодяко. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – 117 с.
6. Казакова Н.А. Аудит. Учебник для СПО. / Под общ. ред. Н.А.Казаковой. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – 409 с.
7. Мирзоев Б. Давлат молиявий назорати тизимида самарадорлик аудити: амалиётга жорий этилишининг муҳимлиги ва истиқболлари. // "Scientific progress" журнали. 2022. 3-сон.
8. Sutopo B, Wulandari T.R, Adiaty A.K, Saputra D.A. E-government, audit opinion and performance of local government administration in Indonesia. Australasian Accounting, Business and Finance Journal. 2017; 11(4):6-22. DOI: 10.14453/aabfj.v1i4.2
9. Лимская декларация руководящих принципов контроля принятая IX Конгрессом Международной организацией высших органов финансового контроля (ИНТОСАИ) в г.Лиме (Республика Перу) в 1977 г.
10. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ASOSAI ташкилотига қабул қилинди. [https://uz.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-hisob-palatasi-asosai-tashkilotiga-qabul-qilindi\\_380648](https://uz.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-hisob-palatasi-asosai-tashkilotiga-qabul-qilindi_380648). 14.09.2022.
11. Постановление Коллегии Счетной палаты Российской Федерации от 9.02.2021 № 2ПК «СГА 104. Стандарт внешнего государственного аудита (контроля). Аудит эффективности». [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://ach.gov.ru/upload/iblock/460/460b8ddd57d9d200cb581435c9dc0fd4.pdf>.
12. Отчет о работе Счетной палаты Российской Федерации в 2020 году. 2021. <https://ach.gov.ru/upload/iblock/77d/77d7c5c9a5374b4520a9f67804d944be.pdf>. 15.09.2022.
13. Кудрин А. Представил отчет о работе Счетной палаты в 2021 году <http://duma.gov.ru/news/54396/15.09.2022>.
14. 2022 йил 29 апрель куни Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси доирасида Ҳисоб палатасининг 2021 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисботи кўриб чиқилди. <https://yuz.uz/ru/news/zaslushan-otchet-schetnoy-palat-respublik-i-uzbekistan-o-deyatelnosti-v-2021-godu.14.09.2022>.
15. Стандарт ISSAI 3000. «Стандарт аудита эффективности». 2019.